

“Худудгазтаъминот” АЖнинг  
2021 йил “26” май даги  
9 -сон Идоравий танлов  
комиссиясининг йиғилиш баёни  
2 -сон иловаси

## 115 -СОҢЛИ ШАРТНОМА

2021 йил “26” июль

Тошкент ш.

**Харид комиссиясининг танлов утказиш натижаси кура ғолибни аниқлаш буйича электрон тартибда “E-tender.uzex.uz” махсус порталида шаклантирилган баённома асосан \_\_\_\_\_** низом асосида иш юритувчи, \_\_\_\_\_, бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади бир томондан ва "МЕННАТ АУДИТ ЛАВ, ЭК" низом асосида иш юритувчи, бундан кейин "Ижрочи" иккинчи томондан Директор Рахмонов Э.Ю ушбу шартномани қуйидагилар асосида туздилар:

### 1. Шартнома мазмуни.

1.1. Ушбу Шартномага \_\_\_\_\_ биноан, \_\_\_\_\_ Ижрочи \_\_\_\_\_ Буюртмачига \_\_\_\_\_ хизматларини кўрсатишни ўз зиммасига олади ва Буюртмачи ушбу хизматлар учун ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Хизматларни кўрсатиш муддати 2021 йил 31 декабрь.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

2.1. Ижрочи мажбуриятлари:

2.1.1. Керакли сифатли ва юқори профессионал даражада хизматларни тақдим этади.

2.1.2. Хизматларни тўлиқ ва ушбу Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган муддатларда тақдим этади.

2.1.3. Буюртмачининг талабларига биноан, агар хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочи шартнома шартларидан четга чиқса ва бу ҳолат хизмат кўрсатиш сифатини пасайишига олиб келса, ижрочи томонидан 5 кун мобайнида аниқланган барча камчиликлар бартараф этилади.

2.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган олдиндан тўловни амалга оширилганидан сўнг, хизмат кўрсатиш фаолияти бошланади.

2.2.2. Буюртмачидан хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган тўлиқ ишончли ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилади.

2.2.3. Хизмат кўрсатишда юзага келган масалалар бўйича Буюртмачининг масъул ходимларидан тушунтиришлар олинади.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Хизматлар учун ушбу Шартноманинг 3-қисмида назарда тутилган тартибда тўловларни амалга оширади.

2.3.2. Ижрочининг талабига биноан ҳужжатларни тўлиқ ва хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда тақдим этади.

2.3.3. Ўз ходимларини иштирокини таъминлайди.

2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.4.1. Исталган вақтда Ижрочи томонидан амалга оширилаётган хизматларнинг иш жараёнини ва сифатини текшириш.

2.4.2. Ижрочидан ушбу Шартномани бажариш жараёнининг натижалари тўғрисидаги материалларни ҳамда маълумотларни талаб қилиш ва олиш.

### **3. Шартнома нархи ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

- 3.1. Шартноманинг умумий суммаси 269 895 000 (икки юз олти миш туккиз миллион саккиз юз туксон беш минг) сўм ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда (15%)
- 3.2. Буюртмачи хизматлар учун тўловни қуйидаги жадвалга мувофиқ амалга оширади:  
40 484 425 (қирк миллион тўрт юз саксон тўрт минг тўрт юз йигирма беш) сўм миқдорида биринчи тўлов (15%) Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилади.  
229 410 575 (икки юз йигирма туккиз миллион тўрт юз ун минг беш юз етмиш беш) сўм миқдоридаги умумий тўловни (85%) кўрсатилган хизматларнинг (бажарилган ишларнинг) қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг 25 (йигирма беш) банк иш куни ичида амалга оширилади.
- 3.3. Амалга оширилган иш ва хизматлар учун тўлов, тақдим этилган хизматларнинг (бажарилган ишларнинг) қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома асосида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

### **4. Хизматларни (ишларни) етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби**

- 4.1. Хизмат кўрсатилгандан сўнг, Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.  
Буюртмачи кўрсатилган хизмат натижаларини қабул қилишни ва Ижрочидан олинган кундан бошлаб 5 кун ичида қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани имзолашни ўз зиммасига олади.
- 4.2. Агар хизмат кўрсатиш жараёнида уни кейинчалик амалга ошириш мумкин эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, Ижрочи бу ҳақда Буюртмачини хабардор қилиши ва зарур чораларни кўриши шарт.
- 4.3. Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани имзолаганидан кейин хизматлар амалга оширилган деб ҳисобланади.

### **5. Махфийлик**

- 5.1. Томонлар ушбу Шартноманинг мавжудлиги ва мазмунини, шунингдек ушбу Шартнома билан боғлиқ равишда томонларнинг ҳар бири томонидан тақдим этилган ҳар қандай маълумот ва маълумотларни сир сақлашни ўз зиммаларига оладилар.
- 5.2. Томонлар ушбу Шартнома томонларидан бирининг олдиндан ёзма розилигисиз учинчи томонга фактларни ёки маълумотларни умуман ёки қисман ошкор қилмаслик ёки бермаслик мажбуриятини оладилар.
- 5.3. Ушбу шарт чекланмаган шахслар доирасидаги маълумотларга тааллуқли эмас, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **6. Фавқулодда вазият**

- 6.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу муваффақиятсизлик фавқулодда вазиятлар (ёнгин, тошқин, зилзила, табиий мажбуриятни тўлиқ ёки қисман бажармаган томон олдиндан кўриши ёки оқилона чоралар (форс-мажор) билан тўсқинлик қила олмаслиги мумкин бўлган фалокатлар ва бошқалар).
- 6.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган вақтга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади.
- 6.3. Томонлар зудлик билан бир-бирларини форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.
- 6.4. Фавқулодда вазиятларни назарда тутган томон бошқа томонни ваколатли давлат органидан ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишга мажбурдир.

### **7. Томонларнинг жавобгарликлари**

- 7.1. 1.2-бандда кўрсатилган хизматларни курсатиш муддатини бузганлиги учун, ушбу Шартноманинг Ижрочиси буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми суммасининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди, аммо жариманинг умумий суммаси шартнома нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

7.2. Курساتилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдориди жарима тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

7.3. Жарималарни тўлаш, томонларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.4. Томонларнинг ушбу Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари **Фуқаролик Кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида"** ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўлланилади.

#### 8. Шартномани бекор қилиш муддати ва тартиби

8.1. Ушбу Шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагунча амал қилади.

8.2. Буюртмачи қуйидаги шартларни бажармаган тақдирда, Ижрочи аванс тўловларини қайтариш билан шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

- хизматни кўрсатиш учун зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ҳужжатларни тақдим қилмаслик;
- Буюртмачи, хизмат кўрсатишни Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйса.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда Шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

- Ижрочи томонидан хизмат кўрсатишни бошлашни 15 иш кунидан ортик муддатга Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра кечиктириш;
- Ижрочининг айби билан хизматларни яқунлаш муддатини ушбу Шартномада белгиланган муддатга 10 иш кундан кўпроқ ошириш.

8.4. Ушбу Шартномани бекор қилишни бошлаган томон бошқа томонни 3 кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

#### 9. Низоларни ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу Шартномани бажариш пайтида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар, имкон даражасида иложи бўлса, томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

9.2. Агар низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имконияти тугаб иложи бўлмаса, томонлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда судгача ҳал қилиш тартиби амалга оширилгандан сўнг уларни Ўзбекистон Республикаси Тошкент туманлараро иқтисодий судига кўриб чиқиш учун тақдим этадилар.

#### 10. Яқуний қондалар

10.1. Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма шаклда тузилиши ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан амал қилади.

10.2. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча жиҳатлар, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан амалга оширилади.

10.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха ҳам бир хил ва бир хил қонуний кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида ушбу Шартноманинг битта нусхаси мавжуд.

#### 11. Юридик манзиллар ва банк реквизитлари

##### БҮЮРТМАЧИ:

УП Нидердоргс Комплекташуда  
Кичик халқа Оули, 91  
УНН: 307579112  
P/C 2208000005256236001  
Savdogar bank  
МҲО: 00439




##### ИЖРОЧИ:

"МЕННА + AUDIT LAB" Ш.К.  
Адрес: Тошкент ш. Олмазор Т.  
Саъдоб 11 тор кўч 44 бўйи.  
УНН: 304455997 ОКЭД: 70220  
Филлиал: Ш.К. 20208000600636820001



Рауфов Ш. Ю





HUDUDGAZTA' MINOT  
AKSIYADORLIK JAMIYATI



« 30 » 12 2021y.

№ 02-10-345/9919

**“Hududgaz Komplektatsiya” UK  
Direktoriga**

“Hududgazta'minot” AJ quyi tizimi korxonalarida mavjud ish joylarini shaxodatlashni amalga oshirayotgan «MEHNAT AUDIT LAB» xususiy korxonasi tomonidan o'rganish natijalariga ko'ra 2021 yil 27 dekabrda 241-sonli xat bilan Jamiyat quyi tizimi korxonalarida shaxodatlanadigan ish joylari 1894 ta emas, balki 2080 taga yaqinlashgani ma'lum qilingan.

Sizdan, shaxodatlanadigan ish o'rinlari soni o'zgarganligi sababli «MEHNAT AUDIT LAB» xususiy korxonasi bilan tuzilgan shartnomaning ish o'rinlari soni bilan bog'liq qismi bo'yicha qonunchilikda belgilangan tartibda tegishli qo'shimcha va aniqlik kiritishingizni so'rayman.

*Ilova: «MEHNAT AUDIT LAB» x/k 27.12.2021 yildagi 241-sonli xat.*

**Boshqaruv raisining  
birinchi o'rinbosari**

**A. Saidvaliyev**

*Ijro: MM va SX bo'limi A.Qayumov  
tel: 71-281-17-09 ich 2-68*





ИНН 304455997, ОКОНХ 95120, МФО 00876  
ТИФ Миллий Банки Олмазор филиали  
P/C 20208000600696820001  
✉ mehnatauditlab@gmail.com

📍 г.Ташкент, Алмэзарский район,  
ул.Сағбан пр.11 дом 44Б.

☎ (93) 551-52-22, (99) 825-52-23  
(71) 229-91-09

№ 241  
27 декабрь 2021 й.

“HUDUDGAZTA’MINOT” АЖ

Рахбариятига

Сизга шуни малум қиламизки Сиз билан 9461 сонли Лотда тақдим этилган техник тонширикка асосан 2021 йил 26 июлда шартномага имзоланган эди. Ушбу шартномага асосан 1894 иш жойини шаходатдан ўтказишга учун тузилган эди. Лекин хар бир вилоятдаги филиалларингизни урганиб чиқилгандан кегин бизда шаходатдан утиши керак булган иш жойлари сони 2080 тага яқинлашди. Шу сабабли Биз билан 2021 йил 26 июлда имзоланган шартнома шартини 2080 иш уринига ва шартнома муддатини 2022 йил 31 мартгача узайтиришга кушимча келишув тузишингизни сураймиз.

Хурмат билан,

Директор



Х.Ю. Раунов

Исп: 99 8255223

**2021йил “26» июлдаги 115- сонли шартномага  
1 сонли қўшимча келишув**

Тошкент ш.

2021йил «30» декабр.

Биз ким шартнома тузиб, имзо чекувчилар, бир томондан «МЕННАТ AUDIT LAB» хусусий корхонаси номидан унинг раҳбари Раупов Х.Ю. келгусида «БАЖАРУВЧИ» деб номланади ва иккинчи томондан "HUDUDGAZ KOMPLEKTATSIYASI" UK номидан унинг раҳбари \_\_\_\_\_ келгусида «БҮЙҮРТМАЧИ» деб номланиб, қуйидаги мавзуда 2021йил “26» июлдаги 115- сонли шартномага 1 сонли қўшимча келишув туздилар ва 1.2., 3.1. ва 3.2. бандлари қуйидагича белгиланди:

1.2. Хизматларни тақдим етиш муддати 2022 йил 31 майгача.

3.1. Бир иш жойи нархи ҚҚС билан 142 500,0 (бир юз қириқ икки минг беш юз). Шартноманинг умумий суммаси 2080 иш ўрнига ҚҚС билан 296 400 000.0 (икки юз тўқсон олти миллион тўрт юз минг) сўм.

3.2. Буюртмачи хизматлар учун тўловни қуйидаги жадвалга мувофиқ амалга оширади:

40 484 250,0 (қириқ миллион тўрт юз саксон тўрт минг икки юз эллик) сум миқдоридида биринчи тулов шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида

148 200 000,0 (бир юз қириқ саккиз миллион икки юз минг) сум миқдоридида иккинчи тулов (50%) 2022 йил 1-февралгача (ушбу туловдан далаат экспертизасига материалларни киргазиш учун фойдаланилади).

107 715 750,0 (бир юз етти миллион етти юз ўн беш минг етти юз эллик) сўм миқдоридидаги қолган тўлов кўрсатилган хизматларнинг қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг 25 (йигирма беш) иш кунни ичида амалга оширилади.

**11. Томонларнинг банк реквизитлари ва манзилгоҳлари:**

<p align="center"><b>«БАЖАРУВЧИ» МЕННАТ AUDIT LAB» ХК.</b></p> <p>Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор т, Сағбон 11 тор кўчаси 44 б уй. тел. (+99899) 825 52 23, 71 229 91 09 ИНН 304455997, ОКЭД 70220, МФО 00876 ТИФ Миллий банки Олмазор филиали р/с 20208000600696820001. Регистрационный Номер НДС 326090165494</p> <p align="right">Директор  Х.Ю.Раупов</p> 	<p align="center"><b>«БҮЙҮРТМАЧИ» "HUDUDGAZ KOMPLEKTATSIYASI" UK</b></p> <p align="center"><b>HUDUDGAZ KOMPLEKTATSIYASI</b></p> <p>Манзил: Toshkent sh., Kichik xalqa yo'li ko'chasi, 41-й. Н/р: 2020 8000 2052 5623 600 Toshkent sh., CHEKI «SAVDOGAR» МФО: 00439 STIR: 307 579 112 IFUГ</p>  
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

